



МАРҒИЛОН ШАХРИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАРИ

Салимов Арифджан Муслимович

*Ўзбекистон Республикаси Тошкент архитектура-қурилиш институти
Архитектура кафедраси Архитектуравий лойиҳалаш йўналиши Архитектура
фан доктори, профессор*

Қўрғонов Ўктамжон Акрамжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Фарғона Политехника институти Архитектура
кафедраси Бино иншоотлар архитектураси йўналиши М 23-21 БИА гуруҳ
магистранти*

Қўрғонова Зулайхо Рустамжон қизи

*Ўзбекистон Республикаси Фарғона Политехника институти
Архитектура кафедраси Бино иншоотлар архитектураси йўналиши М 23-21 БИА
гуруҳ магистранти*

КИРИШ



Юртимизнинг кўхна тарихи, қадимий маданий-меъморий ёдгорликлари жаҳон туристларини ҳамиша ўзига чорлаб келган. Сўнги йилларда юртимизда маданий мерос объектларига эътибор тубдан ўзгариб, жаҳон андозаси даражасига кўтарилмоқда. Бу эса туристларнинг кўпайиши, уларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, янги иш ўринларининг орттиши ижобий таъсир кўрстамоқда. Зеро, туризм- иқтисодиёт тармоқлари ривожини, қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби ўта долзарб масалалар ечимида муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиз бу борада улкан салоҳият ва имкониятларга эга. Президентимиз ташаббуси билан туризм саъноатини ривожлантиришга қаратилаётган

алоҳида эътибор самарасида мамлакатимизнинг гўзал табиати, муқаддас қадамжойлари, ноёб меъморий обидалари ҳамда файзли гўшалари дунё аҳлини тобора ўзига мафтун этмоқда. Мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, шунингдек, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, уларда кўрсатилаётган юксак сифатли хизмат турлари мавжуд. Азалдан меҳмондўстликни жойига қўйиб, кўпчиликка ўрнатилган бўлган халқимиз истиқлол йилларида ана шу



ажойиб фазилатини сайёҳлик индустрияси, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш орқали янада яққолроқ намоён этмокда.

Фарғона вилоятининг 136 та архитектура, 113 та археологик, 38 та турли маданий ёдгорликлари, 84 та диққатга сазовор жойлари, юзлаб бебаҳо тарихий обидалари, Риштон кулолчилиги, Марғилон атласчилиги, Қўқон хунрамандчилиги, табиат ёдгорликлари сайёҳларни ўзига жалб этади.. Риштон кулолчилиги, Марғилон ипакчилиги, Қўқон хунрамандчилиги жаҳонда довруғ қозонган. Мухтасар айтганда худудда туризм саноатини замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган сайёҳлик индустрияси объектларини ривожлантириш мақсади кузда тутилган. Хозирда «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан тасдиқланган режа асосида малакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Халқаро туризм ярмаркалари, кўргазмалари ва фестивалларининг ўтказилиши сайёҳларнинг юртимизга, миллий анъаналаримиз ва бой тарихий меросимиздан янада яқинроқ бахраманд булишга хизмат килади. Жумладан 2021 й. 28 октябрь куни юртимизда ўтказилган "Миллий сувенирлар" фестивали доирасида Фарғона вилоятида хунрамандларнинг кўргазма-савдоси, кўрик танлови, махорат дарсларининг ўтказилиши тадбир иштирокчиларини ушбу режа асосида олиб борилаётган хайрли ишларни тўғридан- тўғри тарғиботчиларига айлантирди. Бу эса худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, хунрамандлар бандлигини таъминлашга ҳамда уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат килади. Фарғона вилоятида муқаддас зиёратгоҳлар жуда кўп. Биргина Марғилон шаҳри худудида ўттиздан ортиқ ана шундай масканлар бор. Хўжа Маъоз , Шоҳ Мансур , Пур Сиддиқ , Гўри аввал, Хўжа Эгиз , Мўйи муборак , Киргил мазор каби зиёратгоҳлар шулар жумласидан... Ушбу зиёратгоҳлар ўзида олис ва яқин ўтмишни акс эттирганлиги

билан аҳамиятлидир.

Пур Сиддиқ мазори Марғилоннинг Йўрмадўз маҳалласида жойлашган бўлиб, XVII аср ўрталарида қурилган. Маълумотларга қараганда , Бухоро хони Субҳонқулихон (1680-1702) даврида Пур Сиддиқ зиёратгоҳи, шу ном билан аталувчи масжид ва мадраса учун шаҳардаги Тўқсоба маҳалласидаги дўконлар, Оқариқ, Тошлоқ, Заркент, Варзак, Қақир каби қишлоқлардаги ерлар вақф қилиб берилган экан.

Ушбу мажмуа минора, мақбара, ҳовли, дарвозахонадан ташқари каптархонадан иборат бўлганлиги ва маҳаллий аҳоли орасида бу зиёратгоҳ Пури Сиддиқ, Каптарли мазор номи билан ҳам аталган. Ҳозирги кунда ҳам ушбу масканга борсангиз, кўплаб каптарлар кўним топганлигига ва улар Бу зиёратгоҳга ўзгача файз бахш этишига гувоҳ бўласиз. Бу каптарлар муқаддас саналиб, уларни ушлаш ёки ўлдириш гуноҳ ҳисобланади. Ривоятларга кўра бу ерга саҳоба Абу Бакр Сиддиқнинг авлодларидан бири Пур Сиддиқ исмли авлиё ва унинг Пошшоҳон

исмли синглиси дафн этилган экан. Айтишларича, Пур Сиддиқ хавф-хатардан қочиб, шу ерга беркинганида, каптарлар билан дўстлашиб қолади. Каптарлар Пур Сиддиқ вафотидан кейин ҳам ҳам кетмай шу ерда қолишади. Бу ердаги каптарлар билан боғлиқ ривоятлар пайғамбаримиз Муҳаммад алаҳиссалом билан саҳоба Абу Бакр Сидиқнинг ғорга яширинганлиги воқеасининг маҳаллийлаштирилган кўриниши бўлса керак. Ўрта Осиёдаги машҳур зиёратгоҳларда каптарлар билан боғлиқ халқона қарашлар бир неча асрлик тарихга эга. Ҳар бир зиёратчи шу каптарларга дон бериши одатга айланган. Агар улар каптарларни чўчитмай дон бера олсалар ишлари юришиб, мушкуллари осон бўлар экан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзакаримова Г. М. Қ. Муродилов ХТЎ Понятие о бонитировки балла почв и её главное предназначение //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 223-229.
2. Ganiyev Y. Y., Qosimov L. M., Murodilov K. T. CREATING AGRICULTURAL MAPS USING GEO-INFORMATION SYSTEMS AS AN EXAMPLE OF BANDIKHAN DISTRICT //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 3. – С. 1132-1140.
3. Murodilov K. T., Alisherov S. M. WEB CARTOGRAPHY AT THE CURRENT STAGE OF DEVELOPMENT OF GEOINFORMATION RESOURCES //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 4. – С. 166-171.
4. Toshmatov U. Q., Murodilov K. T. CREATING MAPS OF AGRICULTURE AND CLUSTERS BY USING GEOINFORMATION SYSTEMS //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 464-470.
5. O'G'Li M. H. T. Market transformation for sustainable rural housing //Достижения науки и образования. – 2019. – №. 7 (48). – С. 30-31.